

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING  
QARORI**627 Фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида**

Фермер хўжалиklари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, шунингдек ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, фермер хўжалиklарининг молиявий ва иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан ҳудудий фермерлар кенгашлари, фермер хўжалиklари раҳбарлари иштирокида ҳамда жамоатчиликни кенг жалб этган ҳолда:

фермер хўжалиklарини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини хатловдан ўтказиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланилишини танқидий таҳлил қилиш;

фермер хўжалиklарининг молиявий ва иқтисодий ҳолатини, фермер хўжалиklари фаолиятини самарали амалга ошириш, ер участкасининг ижара шартномаси шартларини, фермер хўжалиklари ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида, энг аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича тузилган контрактация шартномаларини бажариш учун моддий-техника базасининг, меҳнат ресурслари ва айланма маблағларнинг мавжудлигини ўрганиш;

фермер хўжалиklарини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини ҳудудларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасини, аҳоли зичлигини, фермер хўжалиklарининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини назарда тутиб, улар ишларининг самарадорлигини, тегишли касбий жиҳатдан тайёрланган кадрлар салоҳияти мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда янада мақбуллаштириш ишлари амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган, халқ депутатлари туман ва вилоятлар Кенгашлари томонидан кўриб чиқилган ва тасдиқланган:

фермер хўжалиklарини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштиришнинг, уларнинг ихтисослашуви асосий йўналишларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича йиғма яқунлари 1, 1-1 — 1-5-иловаларга\* мувофиқ;

\* 1, 1-1 — 1-5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

фермер хўжалиklarини мақбуллаштириш якунларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар бўйича фермер хўжалиklари сони ва уларнинг ихтисослашуви йўналишларини ҳисобга олган ҳолда уларга бериладиган ер участкаларининг ўртача майдонлари 2, 2-1 — 2-13-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда янги ташкил этилган фермер хўжалиklари раҳбарлари билан, шунингдек ер участкалари мақбуллаштирилган фермер хўжалиklари раҳбарлари билан ер участкаларини узоқ муддатга ижарага олиш шартномалари тузиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

«Ўздонмахсулот» АК билан биргаликда ўн кун муддатда 2016 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун бошоқли экинлар дони сотиш юзасидан шартномаларни қайтадан тузиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

«Ўзнефтмахсулот» АК, «Ўзкимёсаноат» АЖ ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар билан биргаликда фермер хўжалиklари билан улар томонидан моддий-техника ресурслари сотиб олиш ҳамда хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномаларни ўн кун муддатда қайтадан тузиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда тугатилган фермер хўжалиklarини юридик шахсларнинг давлат реестридан белгиланган тартибда чиқариш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2015 йил 25 декабрда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра 2016 йил 1 январдан бошлаб фермер хўжалиklarини юритиш учун ер участкаларини бериш ва уларни олиб қўйиш ҳудудий фермер кенгашларининг ва ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссиялари ҳулосасига кўра халқ депутатлари туман Кенгашларининг қарори асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши фермер хўжалиklarининг қонуний манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини, фермер хўжалиklarини тугатиш ва ташкил этишнинг белгиланган тартибига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда фермер хўжалигининг асосий

---

\* 2, 2-1 — 2-13-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

**50 (706)-сон**

**— 31 —**

**627-628-моддалар**

ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган фермер хўжалиklarининг ягона базасини ташкил этсинлар.

6. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 15 декабрь,  
362-сон